



Жаннатдаги олий жой эгалари

Маълумки, динимиз хусни хулқ, хушмуомала, ўзаро меҳр-оқибат, катталарга иззат-ҳурмат, кичикларга эса раҳм-шафқат кўрсатиш, ўзганинг айб-нуқсон ва саҳв-хатоларини кечириш каби гўзал ахлоқларга чақиради. Гўзал хулқ – пайғамбарлар, сиддиқлар ва солиҳ зотларга хос бўлиб, уни эгаллаган киши буюк мақом ва мартабаларга эришади.

«Набий алайҳиссалом ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоху анхунага насиҳат қилдилар: **“Эй Абу Ҳурайра! Ўзингизга хусни хулқни лозим тутинг!”** Шунда Абу Ҳурайра розияллоху анху: “Ё Расулуллоҳ! Хусни хулқ нима?” деб сўради. Расулуллоҳ алайҳиссалом: **“Сиздан силаи раҳмни узган билан уни боғлашингиз, сизга зулм қилган кишини кечиришингиз ва сизни маҳрум қилган кишига инъом қилишингиз хусни хулқдир”**, дедилар» (Имом Байҳақий ривояти).

Шунингдек, очиқ юзли, чиройли муомалали, кечиримли, оғир-босик, ўзгаларга фойдаси тегадиган, беозор, ҳаёли, ғазабини жиловлай оладиган, ростгўй ва шу каби яхши хислатларни ўзида мужассам қилган киши хусни хулқ эгаси ҳисобланади.

Ҳадиси шарифларда гўзал хулқ соҳиблари улкан ажру савоб ва юксак мақом-мартабаларга эришиши айтилади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қилганлар: **“Гарчи ҳақ бўлса ҳам тортишмаган кишига жаннатнинг четидан уй берилишига кафилман. Гарчи ҳазиллашиб бўлса ҳам ёлгон гапирмаган кимсага жаннатнинг ўртасидан уй берилишига кафилман. Хулқи чиройли бўлган кишига эса жаннатнинг энг олий жойидан уй берилишига кафилдирман”** (Имом Абу Довуд ривояти).

«Расулуллоҳ алайҳиссалом: **“Қиёмат куни менга маҳбуброғингиз ва яқинроғингиз хулқлари чиройлироғингиздир. Қиёмат куни мен учун ёқимсизроғингиз ва мендан узоқроғингиз сергап, кўп вайсайдиган ва “мутафайхиклардир”**, дедилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, биз сергап ва кўп вайсайдиганларни биламиз. “Мутафайхиклар” кимлар?” деб сўралди. У зот: **“Мутакаббирлардир”**, деб жавоб бердилар» (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Қиёмат куни мўминнинг мезонида хусни**

хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмас. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўрур” (Имом Термизий ривояти).

“Кимга мулоимликдан насиба берилган бўлса, унга дунё ва охират яхшилигидан насибаси берилибди. Силаи раҳм, хусни хулқ ва яхши қўшничилик диёрларни обод, умрларни зиёда қилади” (Имом Аҳмад ривояти).

“Албатта, мўмин ўзининг хусни хулқи ила рўза тутувчи ва кечалари бедор бўлувчининг даражасини топади” (Имом Абу Довуд ривояти).

“Биродарингизни юзига табасум қилмоғингиз садақадир. Амри маъруф, наҳйи мункар қилмоғингиз садақадир. Йўлда адашган одамга тўғри йўлни кўрсатиб қўймоғингиз садақадир. Йўлдан тошини, тиконни ва суякни олиб ташлашингиз садақадир. Челагингиздан биродарингизнинг челагига сув қуйиб бермоғингиз садақадир” (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизга хусни хулқ эгаси бўлишни муяссар айласин!

Маъруфхон АЛОХОДЖАЕВ,
Наманган шаҳри “Абдулқодир қори” жоме масжиди имом-хатиби

Тафаккур

Фаросат – ярим каромат

Халқимизда “Фаросат – ярим каромат” деган гап бор. Фаросат луғатда “фаҳмлаш”, “ўтқир ақл” каби маъноларни англатади.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам комил ва мухлис мўмин банданинг Аллоҳ таоло томонидан иззат-икром қилинишини, унга ҳақ билан ботил орасини ажратиш фаросати берилишини айтганлар. Абу Саид Худрий розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мўминнинг фаросатидан эҳтиёт бўлинглар, чунки у Аллоҳнинг нури билан назар солади”**, дедилар ва **“Албатта,**

бу (ҳодиса)да фаросатли кишилар учун аломатлар бордир”,¹ оятини ўқидилар» (Имом Термизий ривояти).

“Мўминнинг фаросатидан эҳтиёт бўлинглар” жумласидан гуноҳларнинг ошкораю махфийсидан сақланишлар, эҳтимол, мўмин киши халойиқдан яшираётган нарсаларингизни билиб турар, натижада унинг олдида шарманда бўласизлар, деган маънолар ирода қилинган. Чунки мўмин киши воқеа ва нарсаларга Аллоҳ таоло чароғон қилган қалб кўзи билан назар солади ва ҳақиқатни ҳис этади.

¹ Хижр сураси, 75-оят.

Уламолар фаросатни уч турга ажратганлар:

Иймоний фаросат. Бу фаросат қалбга солинган нур бўлиб, уни чулғаб оладиган идрокдир. Ушбу фаросат иймон қувватига қараб турлича бўлади. Иймон нури қанчалик кучли бўлса, фаросат ҳам шунча ўтқир бўлади. Бунга Усмон розияллоху анхунинг ҳаётларида содир бўлган қуйидаги воқеа мисол қилиб келтирилади: Бир куни у зотнинг ҳузурига бир киши кирди. Шунда Усмон розияллоху анху: “Сизлардан бирингиз кўзларидаги зино асари билан кириб келмоқда”, деди.

5-бетда

Сийрат ойи

Шамоиلى Муҳаммадия

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан чиройлироқ бирон кимсани кўрмаганман. Гўё қуёш у зот юзларида юрарди. Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан кўра тез юрадиган одамни кўрмаганман. Худди ер у зот томон ўралиб келётгандек бўларди. Биз (у зот билан баравар юриш учун) ўзимизни қийнардик. У зот эса бепарво (қадам ташлар) эдилар”.

Абу Саид Худрий розияллоху анху айтади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам масжидда ўтирсалар орқаларини ерга қўйиб, тиззаларини қоринларига тақаб, икки қўллари билан оёқларини қучоқлардилар”.

Анас ибн Молик розияллоху анху айтди: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам қовоқни хуш кўрардилар. (Бир куни) у зот ҳузурларига таом келтирилди ёки унга таклиф этилдилар. Шунда мен, у зот қовоқни яхши кўришларини билганим учун (лаганнинг турли жойларидан қовоқ) териб, уларни Расулуллоҳ олдиларига кўярдим”.

Мусулмоннинг кўрғони

Сафар дуоси

“Аллоҳумма Антас соохибу фис сафари вал холийфату фил аҳли. Аллоҳумма инний аъузу бика мин ваъсаа`ис сафари ва каабатил мунқолаби ва суу`ил манзори фил аҳли вал маали. Аллоҳумма тви ланал арзо ва ҳаввин ғалайнас сафар”.

“Аллоҳим! Сен сафар(им)да ҳамроҳ, (ортимда қолган) аҳлда ўринбосарсан. Аллоҳим! Сендан сафарнинг машаққатидан, маҳзун бўлиб қайтишдан ҳамда аҳл(им) ва мол(им)да ёмон манзара(га гувоҳ) бўлишидан паноҳ сўрайман. Аллоҳим! Бизга ер (манзилимиз)ни яқин ва сафар(имиз)ни осон қил” (Имом Абу Довуд ривояти).

✓ 9 сентябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси – UNFPA Ўзбекистондаги масъуллари ва Мисрнинг Ўзбекистондаги

элчиси ҳамда Ал-Азҳар мажмуаси вакиллари билан учрашув бўлди. ✓ 10 сентябрь. “Умра – 2024” навбатдаги босқич зиёратчилари Саудия Арабистонига жўнаб

кетди. ✓ 10–13 сентябрь. Тошкентда «Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларига оид ислом таълимоти меъёрларини ўрганишнинг назарий-таتبикий жиҳатлари»

мавзуида семинар бўлди. ✓ 11 сентябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Тошкент шаҳар имом-хатибларининг танқидий-таҳлилий йиғилиши бўлди.

Юксак мукофот муборак бўлсин!



Юртбошимиз фармони билан мустақилликнинг 33 йиллиги арафасида Фарғона вилояти бош имом-хатибининг ўринбосари, Қувасой шаҳар бош имом-хатиби Алишер домла Наимовнинг “Имом Бухорий” ордени билан тақдирлангани қувончли воқеа бўлди.

Дастлабки диний билимларни маҳалласидаги имом-домлардан олган Алишер Наимов

Шиори – масъулиятлилик

мактабни битиргач, Бухоро шаҳридаги “Мир Араб” мадрасасида таҳсил олди. 1994 йилда Қувасой шаҳридаги “Ислом” масжидига имом-хатиб, 1998 йилда шаҳар бош имом-хатиби этиб тайинланди. 1999 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирди. 2007 йилдан эса Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур масъулиятли вазифалар кишидан фидокорлик, ҳалоллик, меҳнаткашликни талаб этади. Бу фазилатлар Алишер Наимовда бор. Айниқса, бу инсон қатъияти, сўзининг устидан чиқиши билан ажралиб турлади. Бажаролмайдиган ишига ҳеч

қачон ваъда бермайди. Сўз бердими, албатта, унинг уддасидан чиқади.

Алишер домланинг яна бир ўзига хос фазилати узоқни кўра билишидир. Ҳар бир ишнинг оқибати, натижасини тўғри баҳолай олади. Берган таклиф, кўрсатма, маслаҳатлари доим муваффақиятли бўлиб чиққан. Раҳбарлик учун бу фазилат ўта муҳим.

Алишер домла илм аҳлига хурмати баланд инсон. Қўлидан келган ёрдамни улардан аямайди. Ўта талабчан бўлишига қарамай, хатога йўл қўйган имом-домларни мажлисларда танбеҳ бериб, мулзам қилишдан тийилади. Балки ўзлари билан алоҳида гаплашиб, керакли кўрсатмаларни

беради. Раҳбарлик салоҳияти ўта юқори. Одамлар билан қандай муомала қилишни билади.

Фидойи ва жонқуяр уламо юртимиздаги ўзгаришлар, айниқса, диний соҳадаги ислохот ва имкониятларни теран англаб, одамларга тўғри етказишда жуда фаол. Ҳанафийлик мазҳаби, мотуридийлик таълимотини тарғиб қилиш, ёт ва бузғунчи оқимлардан огоҳ этишдан чарчамайди. Бир сўз билан айтганда, Алишер Наимов дин, халқ, юрт хизматида ўзини аямайди, вазифасига ўта масъулият билан ёндашади.

Холмурод МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти
вакиллиги масъул
котиби



Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби, Қарши шаҳар “Кўкғумбаз” жоме масжиди имом-хатиби Раҳматилло домла Усмоновнинг “Имом Бухорий” ордени билан тақдирлангани юрт тараққиёти, дин равнақи йўлидаги меҳнатлари эътирофидир.

Холис хизматлари эътирофи

12 йилдан буён воҳа уламоларига раҳбарлик қилиб келаётган Раҳматилло домла шу даврда одамларнинг диний-маърифий билимларини ошириш, маънавий иллатларнинг олдини олиш борасида самарали меҳнат қилди.

Домла фаолияти давомида ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажарди. 2000–2006 йиллар “Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти маънавият ва маърифат ишлари бўйича мудири ўринбосари, 2006–2008 йиллар “Қўқалдош” ўрта махсус ислом билим юрти мударриси, 2008–2012 йиллар Китоб тумани “Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти мудир бўлди.

Устоз қайси вазифада ишлаган, халқимизга исломий маърифатни тарғиб этиш, ёшларни илм ўрганишга даъват этиш, бағрикенглик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга жиддий эътибор қаратди.

Айниқса, у кишининг инсоний фазилатларига тан бериш лозим. Хусусан, камтарлиги, одамлар кўнглига йўл топа олиши таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда интернет тармоғида ёшларнинг диний мутаассиб ва экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолиш хавфи жуда катта. Бу муаммони теран англаган устоз имом-домларни унга қарши курашга сафарбар этиб, ўзи

ҳам масжидлар, маҳаллалар, таълим муассасаларига бориб, ёшлар билан мулоқотлар ўтказди. Ҳанафийлик мазҳаби аҳкомлари, буюк аждодларимизнинг улкан маърифий меросини халқимизга етказиш йўлида тиниб-тинчимайди.

Мухтасар айтганда, Раҳматилло домла самимийлиги, камтаринлиги, Ватанга бўлган садоқати, масъулиятлиги ва меҳнатсеварлиги билан кенг жамоатчилик, диний соҳа вакиллари ўртасида катта ҳурмат қозонган. Бу инсоннинг бой тажрибаси ёшларга ҳар томонлама ўрнақдир.

Оқилхон АХМЕДОВ,
Қамаши тумани
бош имом-хатиби



Бухорои шариф асрлар давомида Ислом дини марказларидан бири бўлган. Бу заминдан улуғ уламолар, аҳли илмлар етишиб чиққан. Ана шу маънавий илдиздан озикланаётган қадимий макон бугун ҳам ўтмишдаги мақомини сақлаб келмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Бухоро вилояти вакили, вилоят

Дин хизматида камарбаста

бош имом-хатиби ҳамда Бухоро шаҳар “Мир Араб” олий мадрасаси ректори Жобир домла Эловни улуғ аждодларимизнинг муносиб издошларидан бири, десак адашмаймиз.

Албатта, босиб ўтилган ҳаёт йўли кўп нарсани англатади. Домланинг ёшлик даврига назар солсак, кўп вақтлари илм эгаллашга сарфланганини кўраимиз. Хусусан, 1990–1994 йиллар “Мир Араб” ўрта махсус ислом билим юртида таҳсил олган ёш мутахассис шу билан кифояланмай, Мисрдаги “Ал-Азҳар”, Мадина шаҳридаги ислом университетларида илмини бойитади.

Заҳматкаш уламо меҳнат фаолиятини 1999 йил “Мир Араб” ўрта махсус ислом билим юртида

мударрисликдан бошлаб, йигирма йил шу даргоҳда ёшларга сабоқ берди. 2017–2018 йиллар мазкур билим юрти мудир бўлиб ишлади. Устоздан таълим олган шогирдларни нафақат вилоятда, юртимизнинг турли ҳудудларида ҳам учратасиз. Домла узоқ йиллар Бухоро шаҳридаги “Болои Ҳовуз” жоме масжиди имом-хатиби ҳам бўлиб ишлади.

Устоз ташкилотчи, ташаббускор инсон сифатида ҳам қалбимиздан ўрин эгаллаган. У киши бир неча йилдан буён вилоят вакиллиги раҳбари, бош имом-хатиб сифатида воҳадаги имом-домларнинг бошини қовуштирган ҳолда, кўп-лаб эзгу ишларга ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, аҳоли ўртасида

исломий-маърифий ишларни йўлга қўйиш, диний соҳада мутахассислар тайёрлаш сифатини юксалтириш борасидаги хизматлари эътиборга сазовор.

Мухтасар айтганда, домлани серқирра фаолият эгаси, десак хато қилмаган бўламиз. Динга манфаати тегадиган нима иш бўлса, устоз доимо камарбаста.

Давлатимиз раҳбари томонидан Жобир домланинг “Имом Бухорий” ордени билан тақдирлангани вилоятимиз аҳли илмларига, уламоларига ўзгача ғурур-ифтихор бағишлади.

Отабек АВЕЗОВ,
Бухоро шаҳар бош
имом-хатиби



Расулуллоҳ шундай эдилар...

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Бир киши келиб: “Ё Расулуллоҳ, ҳалок бўлдим!” деди. У зот: **“Нима бўлди?”** дедилар. У: “Рўзадор ҳолимда хотинимга яқинлик қилиб қўйдим”, деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Озод қилишга бир қул топа оласанми?”** дедилар. У: “Йўқ”, деди. **“Икки ой кетма-кет рўза тутма оласанми?”**, деб сўрадилар у зот. “Йўқ”, деди у. **“Олти мишга мискинга (етгудек) таом топа оласанми?”** дедилар яна у зот. У эса: “Йўқ”, деди. Набий алайҳиссалом жим туриб қолдилар. Шу ҳолатга гувоҳ бўлиб турган пайтимизда у зотга катта саватда хурмо келтирилди. У зот: **“Сўровчи қани?”** дедилар. У: “Мен” деди. Набий алайҳиссалом: **“Мана бунга ол-да, садақа қил!”** дедилар. У киши: “Ё Расулуллоҳ, мендан ҳам фақирроқ киши борми? Аллоҳга қасамки, Мадинада менинг оиламдан кўра фақирроқ оила йўқ!” деди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам кулиб юбордилар, ҳатто қозик тишлари кўринди. Сўнг-ра: **“Уни оиланга едир”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Гувоҳи бўлганимиздек, бу кишининг гуноҳи ҳақиқатан ҳам катта: у рамазоннинг кундузида рўзадор ҳолида хотинига яқинлик қилиб қўйган. Қолбуки, у бу ишининг ҳукмидан хабардор эди, яъни зиммасига каффорат вожиб бўлишини биларди. Шунинг учун у: “Ҳалок бўлдим!” демоқда. Лекин раҳмат пайғамбари – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга ғазаб ё жаҳл қилмадилар. Балки у каффорат – жариманинг қайси турига қодир экани ҳақида қизикдилар. Аксига олиб, “жиноятчи” бирортасини қилишга қодир бўлмади. Шунда ҳам сарвари оламнинг жаҳллари чиқмади. Унинг муаммосини қандай ҳал қилиш борасида ўйга чўмдилар. Ҳузурларига хурмо келтирилганида, дарҳол уни чорлаб, шу хурмо билан гуноҳининг каффоратини тўлашни буюрдилар. Бунинг учун у хурмони фақирларга садақа қилиши керак эди. Бирок, кутилмаганда “жиноятчи” қизик бир гапни айтди: “Мен Мадинанинг энг фақир кишисиман”. У бу хурмоларга ҳаммадан кўра ўзини ҳақли деб ўйларди. Шундай катта жиноятни қилгани етмагандек, тайёр каффоратини ҳам тўлагиси келмаса-я! Шунақаям одам бўладими?!

Лекин Набий алайҳиссалом унинг гапидан сира аччиқланмадилар, балки шундай кулдиларки, озиқ тишлари ҳам кўринди.



“Уни оиланга едир”, деб хурмони бериб юбордилар.

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мана шундай зот эдилар. Гуноҳкорларга ҳам шафқат кўзи билан қарардилар. Уларни ўз ҳолларига ташлаб қўймас эдилар. Балки мушкулларини аритиш чораларини излардилар.

Қайси шаҳарда ёки қайси замонда камбағал киши ҳоким билан шунақа муомала қила олади?!

Яна бир мисол. Ҳотиб ибн Абу Балта розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг катта қўшин билан Макка фатҳига отланаётганлари ҳақида маккалик мушрикларга яширинча хабар юбораётиб қўлга олинганидаги воқеа.

«Умар розияллоху анху: “Ё Расулуллоҳ, у (Ҳотиб) Аллоҳ ва Унинг Расулига ҳамда мўминларга хиёнат қилибди. Менга қўйиб беринг, унинг бўйнига (қилич) урай!” деди. Набий алайҳиссалом (Ҳотибга): **“Бундай қилишингга сени нима мажбур қилди?”** дедилар. Шунда Ҳотиб: “Аллоҳга қасам, мен қандай қилиб Аллоҳ ва Расулига мўмин бўлмайин? Мен ҳам (душман) қавм олдида бирор яхшилигим бўлишини истадим. Токи у туфайли Аллоҳ аҳлу молимни ҳимоя қилсин. Асҳобларингиздан бирортаси йўқки, у ердаги қариндошлари ичидан Аллоҳ аҳлу молини ҳимоя қилишга сабаб бўладиган кишиси бўлмаса”, деди.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Рост айтди, у ҳақда фақат яхши гап айтинлар”**, дедилар. Умар яна: “У Аллоҳ ва Унинг Расулига ҳамда мўминларга хиёнат қилибди, менга қўйиб беринг, унинг бўйнига (қилич) урай!” деди. У зот:

Ўткир Ҳошимов 1991 йили Жиззах туманида туғилган. 2021 йилда “Ҳожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юртини битирган. 2019–2022 йилларда Жиззах шаҳридаги “Қалия” жоме масжидида имом ноиб, Жиззах туманидаги “Мустафо” жоме масжидида имом-хатиблик қилди. Ҳозир Шароф Рашидов туманидаги “Мулла Олим” жоме масжиди имом-хатиби, Тошкент ислом институти сиртқи бўлим талабаси.



“У Бадр аҳлидан эмасми? Балки, Аллоҳ Бадр аҳлига қараб: “Ҳоҳлаганингизни қилаверинлар, сизларга жаннат вожибдир (ёки сизларни мағфират қилдим) дегандир”, дедилар. Шунда Умарнинг кўзларидан ёш қуйилди ва: “Аллоҳ ва Унинг Расули билади”, деди» (Имом Бухорий ривояти).

Албатта, давлатнинг ҳарбий сирини фош қилмоқчи бўлган кишига ўлим жазосини бериш энг муносиб ва адолатли ҳукм бўларди. Лекин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жазо беришга ошиқмадилар. Аксинча, Ҳотиб розияллоху анхуни бу жиноятга нима мажбур қилганига қизикдилар. Чунки шу пайтгача ундан бирор ёмонлик содир бўлмаган ҳамда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга садоқат билан хизмат қилиб келаётган эди. Нега энди у бирдан ўзгариб қолди? Бунинг сабаби нима?

Ҳотиб розияллоху анху келтирган сабаб оқлов учун етарли эмасди. Ҳатто Умар розияллоху анху фаросат ва адолат соҳиби ҳам уни қабул қилмади. Балки қатл қилишни энг тўғри ечим деб ҳисоблади. Лекин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўзгача йўл тутдилар. Ҳотибнинг узрини қабул қилиб, афв этдилар. У ҳақда айтилган таъна-дашномларга жавоб ўлароқ унинг қадрини кўтарадиган гапларни айтдилар. Дарҳақиқат, у зот оламларга раҳмат эдилар. Ҳатто жиноятчиларни ҳам Жазолашга ошиқмасдилар, балки улар учун узр ахтаришга, уларни оқлашга йўл қидиришга ҳарис эдилар. Ҳақиқатда, у зот умматларига раҳм-шафқатли, меҳрибон эдилар...

Ҳар биримиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг сийратларини ўқиб-ўрганишимиз, у зотдан ибрат олишимиз, эргашишимиз лозим бўлади.

У зотга мукамал ва батамом дуруду салаотлар бўлсин!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Шароф Рашидов тумани
“Мулла Олим” жоме масжиди
имом-хатиби

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Жаноза тугагандан кейин марҳумга яқин аёллар тобутнинг орқасидан югуриб, хайрлашиб олиши керакми?

ЖАВОБ: Йўқ. Биз мусулмонларнинг ҳар бир ишимиз динимиз кўрсатмаларига мувофиқ бўлиши лозим. Аёлларнинг тобут ортидан югуришлари – бидъат, динимиз кўрсатмаларига зиддир. Бунинг ўрнига дуо, Қуръон оятларидан тиловат қилиб, ўтганнинг руҳониятига ҳадя этиш керак. Бу ҳам тириклар, ҳам ўтганлар учун фойдали.

САВОЛ: Намозда икки сажда оралиғида “Аллоҳуммағфирли”, деса бўладими?

ЖАВОБ: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шу дуони ўқиганлари кўплаб ҳадисларда келган. Уламоларимиз: “Бу дуони нафл ва таҳажжуд намозларидаги икки сажда оралиғида айтган маъқул”, деганлар.

САВОЛ: Бир киши менга: “Сизга пул бераман. Сиз шу пулга деҳқончилик қилинг. Ҳосил пишиб, сотилгандан кейин мен тиккан пулимни ажратиб оламан, қолганини 50/50 қилиб бўлишамиз”, деб таклиф берди. Шундай ҳолатда келишиб ишласам бўладими?

ЖАВОБ: Агар ер сизники бўлмаса, у киши берган пулга ерни ижарага олиб, келишилган шартга биноан фойдани бўлиб олсангиз бўлади. Уруғ униб чиқмаса ё ҳосил нобуд бўлса, сиз меҳнатга, у пулга куяди. Пулни қайтар дейишга ҳақи бўлмайди. Агар ер сизники бўлса, у киши айтган таклиф билан ишлаш жоиз бўлмайди. Бунда музораба ҳукми амал қилади.

САВОЛ: Жумага иккинчи азон айтилганда ҳам эшитувчилар муаззинга жавоб қилиши керакми ёки жим туриладими?

ЖАВОБ: “Раддул муҳтор”да бундай келган: “Уламолар иттифоқига кўра, имом минбарга чиққанда унинг қаршисида айтиладиган азонга тил билан жавоб берилмайди”. Биз мусулмонлар шунга риоя қилишимиз лозим.

САВОЛ: Бир танишим қурилиш иншоотларини топиб, усталарнинг устидан 10 фоиз ҳақ олади. Шу қилаётган иши дурустми?

5-бетда

Миллатнинг борлигини кўрсатувчи ойна

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний: “Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, дейди. Ҳақиқатан ҳам халқнинг миллий тили орқали, тилга бўлган эътибори орқали унинг маънавиятини, тарихини англаш ва тушуниш мумкин. Тил — миллат маънавиятининг кўзгуси. Боиси халқ маънавиятини англаш унинг тилини ўрганиш орқали амалга оширилади.

Истиқлол йилларида ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи янада ошди. БМТ, YUNESKO каби халқаро ташкилотлар минбарларида ўзбек тилида маърузалар ўқилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари олий таълим муассасаларида эса ўзбек тили кафедралари фаолияти йўлга қўйилди. Энг муҳими, чет эллик олимларнинг ўзбек мумтоз адабиёти, тарихи, санъати каби ўнлаб йўналишларда ўзбек тилида илмий тадқиқотлари ишларини муваффақиятли олиб бораётганликлари ҳаммамизга чексиз фахр ва ифтихор бағишлайди.

Қолаверса, кейинги йилларда Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ташаббуси билан спорт, санъат, таълим ва тадбиркорлик соҳалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларимиз халқаро спорт ва фан олимпиадаларида, турли беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Шунинг билан бирга улар она тилимиз — ўзбек тили обрўси ошишига ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

Олимларимиз ҳамда тил бўйича мутахассислар илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этиб, кишиларни она тилимизнинг жозибаси ва гўзаллигидан баҳраманд этиб келишмоқда. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” эса ана шу

саъй-ҳаракатлар маҳсули, десак муболаға бўлмайди. Ушбу нашр мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамалар, шеваларда қўлланиладиган минглаб сўзларни ўзида мужассам этган.

Албатта, она тилимиз шу қадар бойки, унинг хазинасидан исталган сўзнинг бир нечта синонимларини топиш мумкин. Шунинг учун ҳам сўз мулкининг султони, ўзбек тилининг асосчиси ҳазрат Алишер Навоий туркий тилда “Хамса” яратиб тилимизнинг теранлигини жаҳонга намоян этган.

Бугунги авлод эса аجدодларимиздан қолган ана шу муқаддас мерос — она тилимизнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлашлари лозим.

Бугунги кунда жаҳонда 7 мингга яқин тил мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти йўқолиб кетиш арафасида турибди. Демак, ҳар бир халқ ва миллат ўз она тилини ҳимоя қила билиши ҳам шарт экан.

Тил — миллатнинг маънавий бойлигидир. Тилларнинг сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарур. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигини англайди ва фахрланиб яшайди.

Шажнозахон СОДИҚОВА тайёрлади.



Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ!

Қалбимизда мангу муҳаббатингиз бор,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.
Оламни золимлар этса бизга тор,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Қасам этамизки, Макка, Минога,
Қутлуг маконларга — Турга, Синога,
Бутун коинотга, Аршга, самога,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Шоҳиддир қалбларга буюк Яратган,
Иқдор бердик Ҳаққа “Қолу бала”дан,
Нурингиз юксалди Аршга Ҳиродан,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Биз сизни севамир жону кўнгилдан,
Ифрингиз олмиш очилган гулдан,
Валлоҳи, гўзалсиз сусан, сунбулдан,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Сизсиз Яратганнинг энг азиз қули,
Сизсиз уммат учун беҳиштининг йўли,
Илоҳий илмга тўласиз, тўла,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Нурингиздан яратди Раббим жаҳонни,
Ёрдамга юборди сизга Фурқонни,
Нозил этди бизга азиз Қуръонни,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Сизсиз намоз, сизсиз ниёз ботилдир,
Сизсиз беҳишт, сизсиз жаннат бекордир,
Йўлингизда унган тиконлар гулдир,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Исо қурбон бўлсин гўзал отингизга,
Жонлар фидо бўлсин пок зотингизга,
Амал этсак деймиз суннатингизга,
Биз сизни севамир, ё Расулуллоҳ.

Исо Сабоҳат Мандавий
Таржимон: Робия ЖЎРАҚУЛОВА

Назм бурчаги

Наът

(Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам таваллудларига)

Бисмиллаҳдан бошлайин, қудрат Сендадир Аллоҳ,
Илҳом бергин, ё Раббий, қалбимдадир зикруллоҳ.
Саловату дурудлар сизга бўлсин, Аҳмадо!
Инсониятга раҳнамо, ё Муҳаммад мустафо!

Икки олам сарвари, жаннат аҳлин гавҳари,
Жавоҳири, жавҳари, раҳмат Пайғамбари,
Меърожда гуллар очди, ул Сидратул Мунтаҳо,
Сиз деб яралмиш дунё, ё Муҳаммад мустафо!

Яратган суюб сизни Ҳабибим деб атади,
Ҳам Бандам, ҳам Расулим, Набийим деб сийлади.
Ато қилди хусни ҳулқ, шижоат ҳамда ҳаё,
Гўзалликда ҳам якто, ё Муҳаммад мустафо!

Маъсиятга булғанган эди ер юзи, гўё,
Сиз таваллуд топган кун барҳам топди бу рўё,
Оламга тўлди зиё, қалбларга инди сафо,
Покланди еру само, ё Муҳаммад мустафо!

Одамдан қолган дунё, лак-лак ўтди авлиё,
Аларга муршид қилиб сизни танлади Мавло.
То қиёмат оламга келмас энди анбиё,
Охир замон бўлди-ё, ё Муҳаммад мустафо!!

Уммат ғамин едингиз, “Воо умматим” дедингиз,
Пайғамбарлар ичинда энг ғамхўри эдингиз.
Ҳар муслим, муслиманинг қалбидаги мудоа,
Шафоатгўй, бебаҳо, ё Муҳаммад мустафо!

Ўрганди умматингиз сиздан яшамоқ сири,
Не ҳикмат бор ҳаётда, қандай асрор яширин.
Қолдирган суннатингиз қалбларга бўлди даво,
Мисли кўзга тўтиё, ё Муҳаммад мустафо!

Ул муборак номингиз тутмишдир Арши аъло,
Саккиз беҳишт эшигин нақшидир ушбу маъно,
Жаннатдан елган нафис, шаббодадай хуш сабо,
Қандай гўзал бу наво — ё Муҳаммад мустафо!

Равзангизга қадамим етса, бахтдан шошайин,
Чақирсангиз бас... денгиз, тоғу тошдан ошайин.
Изҳор қилай розимни мен бир ошиқ, бедаво,
Топай дардимга даво, ё Муҳаммад мустафо!

Васлингизни васила қилай маҳшаргоҳида,
Учраштирсин Аллоҳим Кавсарнинг булоғида.
Кафтингиздан сув ичмоқ насиб қилсин, Илоҳо,
Жонингизга жон фидо, ё Муҳаммад мустафо!

Таърифингизни айтиб, қилиб бўлмайди адо,
Икки олам топилмас бундайин хушрўй садо.
Денгиздан бир томчидир ёзилган ушбу иншо,
Даҳолар ичра даҳо, ё Муҳаммад мустафо!

Муҳаббатим, тақвоим зиёда қил, Раббано,
Охиратда ҳолимга бўлмасин, ё вайлано!
Шафоат қилинг сиз ҳам, эй пайғамбари Худо,
Умматим денг Қосимни, ё Муҳаммад мустафо!

Инсониятга раҳнамо, ё Муҳаммад мустафо!
Шафоатгўй, бебаҳо, ё Муҳаммад мустафо!

Аллоҳумма солли ва саллим ва баарик ғалайҳ!
Аллоҳумма солли ва саллим ва баарик ғалайҳ!
Аллоҳумма солли ва саллим ва баарик ғалайҳ!

Қосимхон ЙЎЛДОШ, Қува тумани



Ўғрилиқ ва омонатга хиёнат – катта гуноҳ

Ҳикояда ўқиймиз: Бойлик, илм ва ор-номус учрашиб қолибди. Бойлик: “Агар мен йўқолиб қолсам, бозорлардан изланглар”, дебди. Илм эса: “Мени масжид ва мадрасалардан топасиз”, дебди. Ор-номус эса: “Агар мен йўқолиб қолсам, излаб овора бўлманглар, ҳеч қаердан тополмайсизлар...” дебди.

Ҳақиқатан, одамлар орасида ор-номусини, шаънини йўқотган одамнинг бошқа йўқотадиган нарсаси қолмайди. Ҳамма: “Бу бебурд, орсиз, номуссиз кимса. Нима десанг ҳам, барибир фойдаси йўқ”, деб ундан йироқ юришга интилади.

Афсуски, баъзан интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар орқали “**Масжиднинг эҳсон қутисини ўмарибди**”, деган нохуш гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бундай хабарларни эшитиб ёқа ушлайсан киши. Ахир масжид Аллоҳнинг уйи бўлса. Бировнинг уйига ўғрилиққа тушган киши бир умр “ўғри” деган тамгадан қутула олмайди. Аллоҳнинг уйида ўғрилиқ қилган киши икки дунё саодатидан маҳрум бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Тухум ўғирлаб қўли кесилган, арқон ўғирлаб қўли кесилган ўғрига Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”** деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, ўғрилиқнинг катта-кичиклигига эмас, балки унинг оғир гуноҳлигига эътибор қаратишимиз лозим. Минг афсуслар бўлсинки, бугун масжидлардаги эҳсон қутиларини ўмариш ҳоллари учраб турибди.

Абу Лайс Самарқандий “Танбеҳул ғофилийн” асарида ёзади: “Ким ўн дирҳам ўғирласа, унинг қўли кесилади. Муслмон кишининг қўли ўн дирҳамнинг ҳурматидан эмас, балки икки иш сабабидан кесилади: мўминлар ҳаётини оёқости қилгани ва Аллоҳ тақсим қилган нарсасига рози бўлмагани учун. У бошқанинг молига кўз олайтирди. Тангри таоло унинг қилган иши сабабли жазо сифатида ва Яратганининг бошқа тақсимотига рози бўлмайдиганларга ибрат учун кесишга буюрди”.

Бир оқил инсон бозорда юрганда, газлама сотувчининг олдида тўхтаб, кийим сотиб олмоқчи бўлди. Тужжор тинмай нарсасини мақтаб, қасам ичарди. Бундайлардан сотиб олмаган маъқул, деб ўйлади. Бошқасидан олди. Орадан икки йил ўтиб, оқил одам бозорга чиққанида, яна ўша савдогарнинг олдида тўхтади. Лекин бу сафар у нарсаларини мақтамасди ва қасам ҳам ичмасди. Ундан:

– Бир неча йил илгари сизнинг олдингизга келгандим, – деб сўради. У: – Ҳа, – деди.

– Сизни бунчалик ўзгартирган нарсани нима? Мақтамаяпсиз? Қасам ичмаяпсиз? – деди.

– Менинг аёлим бор эди. Кам олиб келсам ҳам, кўп олиб келсам ҳам, оз ҳисобларди. Аллоҳнинг менга раҳми келди. У ўлди. Кейин бошқа аёлга уйландим. Бозорга кетмоқчи бўлганимда, кийимимнинг ёқасидан ушлаб: “Эй фалончининг ўғли, Аллоҳдан

кўрқинг. Бизга фақат ҳалол луқма келтиринг. Ҳеч нима олиб келмасангиз, ип йигириб сизга ёрдам берамиз, деди.

Ҳикматга бой бу воқеа замирида бугунги кунда ношукр, товламачи, ўғри, омонатни сақламайдиган кишилар учун катта ибрат бордир.

Масжиднинг мулки бировга ишониб топширилдими, демак, у омонатдир. Омонат деганда қимматбаҳо нарсани бошқа бировнинг ҳузурида сақлаб бериш учун қўйишнинггина тушунади. Аслида, омонатнинг турлари кўп. Уламоларимиз: “Аллоҳнинг бандасига юклаган омонатлари бор: иймон, намоз, рўза, закот, умр, ота-она, фарзанд ҳам омонатдир”, дейдилар. Шунингдек, бандаларнинг бандалардаги турли ҳақлари ҳам омонат ҳисобланади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларидан бирида: **“Биров сенга бир калима айтиб, сўнгра атрофга қараб қўйса, билгинки, шу сўз омонатдир”**, деганлар.

Омонатга хиёнат қилиш мунофиқлик аломатидир. Муслмон инсон барча омонатларга, жумладан, одамлар ила ўзаро муомаладаги, моддий масалалардаги, катта-кичикка насихат қилиш, ёш авлодни тўғри тарбиялаш омонатларга риоя этади, хиёнат қилмайди.

Аллоҳ таоло барчамизни ўғрилиқ, омонатга хиёнат қилишдек қабиҳ гуноҳлардан асрасин.

Абдуқаҳҳор ЮНУСОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

Тафаккур

1-бетда

Ҳалиги киши ҳайрат билан: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин ҳам ваҳий борми?!” дея хиёлатли ҳолатга тушиб қолди. Усмон розияллоҳу анху: “Йўқ, лекин содиқ фаросат бор”, деди.

Риёзий фаросат. Бу фаросат тўйиб таом емаслик, бедорлик ва узлатга чекиниш билан ҳосил бўлади. Натижада кишида атрофдаги нарсаларнинг ҳақиқатини англаш тўғрисида маълум бир тушунчалар юзага келиши мумкин. Аммо бу фаросат иймонга ҳам, валийликка ҳам далолат қилмайди, шунингдек, доимо тўғри йўлни ҳам кўрсатиб бермайди.

Халқий фаросат (туғма фаросат). Бу воқелиқдаги ишлардан тўғри хулоса чиқариш қобилиятидир. Бу қобилият умумий ҳисобланади.

“Каромат” луғатда “иззат-икром”, “қадр-қиммат” ва “олийжаноблик” каби маъноларни билдиради. Истилоҳда эса Аллоҳ таолонинг Ўзи севган бандаларига қилган иззат-икромни каромат, дейилади.

Каромат икки хил бўлади: туғма ва касбий каромат.

Биринчи турдаги каромат бани башарга тегишлидир. Чунки Аллоҳ таоло барча инсонларни бошқа жонотлардан азишу мукаррам қилиб яратган. Мана шу инсониятнинг туғма кароматидир.

«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонотлардан афзал қилиб қўйдик» (Исро сураси, 70-оят).

Кароматнинг иккинчи тури касбий, яъни меҳнат билан эришилдиган каромат фақат тақводор мўминларга хосдир. Чунки у мустаҳкам эътиқод ва солиҳ амаллар натижасида ҳосил бўлади.

«Албатта, Аллоҳ наздида (энг азишу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир» (Хужурот сураси, 13-оят).

Дарҳақиқат, одамлар наслу насаб билан эмас, тақво билан азиз бўладилар. Сўфи Оллоёр бобомиз айтганидек:

Ишонма отага, қолма талабдин,
Сўралмасдур қиёматда насабдин.

Яъни, мен фалонийлар авлодиданман, деб алданиб қолмагин, ҳисоб-китоб кунда кимлардансан, ота-боболаринг ким деган савол бўлмайди, балки амалларинг ҳақида сўралади.

Ҳам амали, ҳам насаби яхши бўлса, нур устига нур. Бироқ амали ёмон бўлса, насаби унга фойда бермайди. Зеро, “Амали ортга сурган кимсани насаби олдинга сура олмайди”, дейилади ҳикматда. Дунёю охирадда азишу мукаррам бўлишни истаган киши тақво қилсин!

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Масала

3-бетда

ЖАВОБ: Усталар учун иш топиб бериш даллолликнинг бир туридир. Даллоллик қилувчи усталар ва иш берувчини алдамаслик шарт билан келишилган ҳақни олиши жоиз. Агар уларни алдаса, олган ҳақи ҳалол бўлмайди.

САВОЛ: Менинг ўнг тарофим яхши ишламайди. Таҳоратни чап қўл билан қилсам бўладими?

ЖАВОБ: Таҳоратни ўнг қўлда бажариш суннати завоидлардан. Уни тарк қилиш макруҳи танзиҳий ҳисобланади. Сизнинг ҳолатингиз узрли. Зарурат бўлгани ва қасддан қилмаганингиз учун гуноҳкор бўлмайсиз.

САВОЛ: Куёв никоҳ пайтида қулоғи оғирлиги учун келиннинг “топишдир” деган сўзини эшитмаган. Шу никоҳ жоизми?

ЖАВОБ: Бундай никоҳ жоиз бўлмайди. Қайтадан никоҳ ўқитиб олишлари лозим. Никоҳнинг шартларидан бири никоҳланувчи (келин-куёв)лар бир-бирларининг розиликлари билан ифодаловчи сўзларини эшитишлари лозим. Шунингдек, гувоҳлар ҳам келин-куёвнинг розиликлари билан эшитишлари шарт. “Раддул мухтор”да бундай дейилган: “Никоҳланувчиларнинг ҳар иккисидан никоҳланишга розиликларини билдирувчи сўзларини гувоҳлар эшитишлари шарт”.

САВОЛ: Автоҳалокат ва хасталиклар боис беморларга қон зарур бўлиб қолади. Шундай ҳолатдан келиб чиқиб сўрамоқчиман: ҳижома қилдирган яхшими ёки қон беришими?

ЖАВОБ: Сиз сўраган масала қон олдирувчи кишининг ҳолати ва шифокорнинг тавсиясига қараб белгиланади. Қон бериш беғараз бўлиши, яъни маблағ эвазига бўлмаслиги керак.

Аллоҳ таоло инсонни азиз ва мукаррам этиб яратгани учун одамни ва унинг тана аъзоларини сотиб бўлмайди.

“Инсон мукаррам бўлгани учун унинг аъзоларини сотиш мумкин эмас” (“Фатҳи бобил Иноя”).

Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Интернет соддадилликни кечирмайди

Ҳозирги даврда интернет тармоғидан фойдаланиш одоби ижтимоий одобларнинг энг аҳамиятлиси ҳисобланади. Чунки ижтимоий тармоқларнинг ҳам жиддий хатарлари талайгина. Жумладан, айрим бузғунчи оқимларнинг интернетдан ғаразли мақсадлари йўлида кенг фойдаланаётгани, ёшларни ўз домига тортаётгани, жамиятни беқарорлаштирувчи ёлғон маълумотлар берилаётганини кузатишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам халқимиз, хусусан, ёшларни ана шундай хатарлардан огоҳ этиш ҳар бир маърифатли кишининг инсоний вазифасидир.

Глобллашув даврида энг катта муаммо ёлғон ахборотдир. Айниқса, ижтимоий тармоқларда турли асоссиз маълумотларни

тарқатиш, турли бўҳтон ва уйдирмаларни урчитиш ҳолатлари кўп-лаб учрамоқда. Айрим соддадил мусулмонлар ана шундай уйдирмаларга ишониб, ёлғон ва бўҳтонга шерик бўлиб қолаётирлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Кишига гуноҳ бўлиши учун эшитган нарсасини гапиришининг ўзи кифоядир”**, деганлар (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти).

Сўнгги йилларда интернет сиёсий курашлар майдонига, турли хил манфаатдор томонларнинг кучли қуролига айланиб қолди. Террорчи тўдалар, адашган фирқалар ва бошқа бузғунчи кучлар бу имкониятдан кенг фойдаланган ҳолда одамларни, айниқса, ёшларни тўғри йўлдан адаштириш, улардан ўзларининг манфур мақсадлари йўлида

фойдаланиш, жамиятда нифоқ ва парокандаликни келтириб чиқаришга уринишмоқда ва бунга маълум маънода эришишмоқда ҳам.

Динимизда турли фитналар уюштириш, инсонлар ўртасида адоват уруғини сочиш энг катта жиноят экани таъкидланган. **«Фитна эса қотилликдан ҳам каттароқ (гуноҳ)дир...»** (Бақара сураси, 217-оят).

Ҳаммамиз ҳам янгиликлардан хабардор бўлиш, дунёқарашимизни ўстириш мақсадида интернет тармоқларига мурожаат қиламиз. Бунинг ҳеч қандай нотўғри жойи йўқ. Муҳими – улардан оқилна фойдаланишимиз, хусусан, ёшларнинг ақлан ва руҳан тўғри тарбия топишига эътиборли бўлиб, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асрашимиз мақсадга

мувофиқ. Бунинг учун ўсиб келаётган авлоднинг маънавий имунитетини кучайтириш, дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган барча чораларни кўриш талаб этилади.

Аллоҳ таоло юртимизни турли хил фитна-фасодлардан паноҳида сақласин!

Зокиржон ҒАППОРОВ,

Косонсой тумани “Абдулҳайхон” жоме масжиди имом ноиби



Муборак қадамжолар

Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳи

Сурхон воҳаси тарихий ёдгорликлар, қадамжолар, зиёратгоҳларга ниҳоятда бой. Бугунги кунда ҳудудда 519 та маданий мерос объекти рўйхатдан ўтказилган.

Ана шундай манзилгоҳлардан бири Денов туманидаги Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳидир. Хожа Алоуддин Аттор нафақат Сурхон воҳаси, балки Мовароуннаҳр маънавий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутган мутасаввиф олимдир.

Хожа Алоуддиннинг асл исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Хоразмийдир. У ўрта бўйли, буғдойранг, истараси иссиқ, камтар, иқтидорли ва гўзал хулқли киши бўлган. Олимнинг отаси хоразмлик бўлиб, атторлик билан шуғулланган. Хожа Алоуддин ўзига “Аттор” тахаллусини олиши отасининг касби билан боғлиқ. Алишер Навоий асарида эса олим “Бухорий” тахаллуси билан келтирилади. У Бухоро мадрасасида таълим олган. Отасининг вафотидан сўнг Баҳоуддин Нақшбандга шогирд тушади ва юксак рутба – халифалик мақомига эришади. Хожа нақшбандия силсиласининг 17-мурушиди қомили ҳисобланади.

Алоуддин Аттор Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан маънавий омонатни олгач, кўплаб шогирдлар етиштирди. Саййид Шариф Журжоний бундай дейди: “Мен Зайниддин Али Кулол билан кўришгач, рофизийликдан қутулдим. Шайх Алоуддинни танигач, Аллоҳни танидим”.

Муҳаммад Дорошуқунинг “Сафинатул авлиё” асарида Хожа Баҳоуддин

Нақшбанд Мавлоно Яъқуб Чархийни муридликка қабул қилгач, уни Хожа Алоуддин Атторга топширгани, Нақшбанд ҳазратлари вафотидан сўнг олим Алоуддин Аттор суҳбатида камол мартабасига эришгани қайд этилади.

Бундан ташқари, Хожа Алоуддин Аттор ҳазратлари Ҳасан Аттор, Низомиддин Хомуш, Ҳисомиддин Порсо, Мавлоно Абу Саид, Абдуллоҳ Имомий Исфажоний, Шайх Умар Мотуридий каби етук шайхларга устозлик қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Хожа Алоуддин ҳижрий 1400 йили ражаб ойининг йигирманчисида вафот этади. Валийнинг ўғли ва набираси ҳам ўша ерга қўйилган.



2000 йилда валийнинг қабри устига мақбара қурилган бўлиб, 2020 йили унинг ўрнида катта гумбазли зиёратгоҳ қад ростлади. Мақбара ичидаги қабр рамзий бўлиб, ҳақиқийси мақбаранинг ертўла қисмида жойлашган. Ҳозир зиёратгоҳ яқинида у зот номидаги жоме масжид ҳам бор.

Тоштемир ТУРДИЕВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Сафардан қайтганда...

Қаъб ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади: **“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чошгоҳ пайти сафардан келсалар, масжидга кирардилар ва ўтирмай туриб, икки ракат намоз ўқиб олар эдилар”** (Имом Бухорий ривояти).

Набий алайҳиссалом мусулмонлар у зот билан кўришиб олишлари учун бир муддат масжидда ўтирар эдилар.

Бу ҳам бугунги кунимизда унутилган суннатлардан биридир. Уларни ҳаётимизга татбиқ этиш орқали Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

ва салламнинг суннатларига амал қилган, тарғиб этган бўламиз. Демак, сафардан қайтганимизда аввал масжидга кириб икки ракат намоз ўқишимиз, сўнг уйга боришимиз керак бўлади. У зот саҳобаларга шундай кўрсатма берардилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда эдим. Мадинага келганимизда у зот менга: “Масжидга кириб, икки ракат намоз ўқиб ол”, дедилар»** (Имом Бухорий ривояти).

Шайтондан сақланишнинг 10 усули

1. Шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраш (“Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм” дейиш).
2. Муъаввизатайн (Фалақ ва Нас суралари)ни ўқиш.
3. Уйга кириш-чиқишда, ебичиш, кийим кийиш, ухлашдан олдин ва бошқа ишларда “басмала” (“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”, “бисмиллаҳ”) айтиш.
4. Кўп сўзлаш, кўп аланглаш, кўп қулиш ва кўп ейишдан сақланиш.
5. Бақара сурасини тўлиқ ўқиш.
6. Бақара сурасининг охириги икки оятини тиловат қилиш.
7. Тонгда ва оқшомда Оятул Курсийни ўқиш.

8. **“Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарика лаҳу. Лаҳул мулк ва лаҳул ҳамду ва ҳува ьалаа кулли шайин қодир”**ни айтиш.

9. Аллоҳ таолонинг зикрини кўпайтириш.

10. Ухлашдан олдин **“Аъзу бикалимаатиллаҳит тааммаати мин ғозобиҳи ва иқообиҳи ва шарри ьибаадиҳи ва мин ҳамазатиҳи шайаатийни ва ай-йаҳзуруун”** (Аллоҳнинг мукаммал қалималари билан Унинг ғзабидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтонлар келиб, васваса қилишларидан паноҳ тилайман), деб дуо қилиш.

Шайх Абдулраззоқ Бадр

Шариатнинг қарор топиш босқичлари

Ушбу китобда тўрт мўътабар мазҳабнинг Қуръон ва суннатга асослангани ҳамда динимизнинг замонлар оша юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда айнан мазҳаб уламолари жорий қилган усул ва қоидаларга асосланиши баён этилган.

Макка даври

Ислом дини энг аввал ишни этиқоднинг ислоҳидан бошлади. Чунки этиқод асосий пойдевор бўлиб, бошқа аҳкомлар унинг устига барпо қилинади. Шу боис Маккада (ҳижратдан олдин) нозил бўлган Қуръон оятларида тавҳидга, бутун борлиқ ва мавжудотларнинг яратилиши ҳақида тафаккур қилишга ҳамда аждодларнинг нотўғри этиқодларига эргашмасликка, одам ўлдириш, зино қилиш, қизларни тириклайин кўмиш каби жоҳилият сарқитлари ва одатларидан юз ўгиришга чақирилган. Шунингдек, адолат, вафо, эҳсон, эзгу ишларида ҳамкорлик қилиш, адоват ва гуноҳ ишларда ёрдам бермаслик каби Ислом ахлоқи оид бир қанча кўрсатмалар келтирилади.

Шариатнинг амалий жиҳати — ибодату муомалотга, асосан,

Мадина даври

Мадина даврида Исломнинг амалий қисми — ибодатлар (Аллоҳ ва банда ўртасидаги) ва муомалалар (бандалар ўртасидаги ҳақ-хуқуқлар масалалари)га этибор қаратилди. Мазкур ҳукмлар воқелик билан бирга ҳаракатланар эди. Яъни, Қуръони карим оятлари воқеликда содир бўлаётган ишлар, юзага келаётган муаммоларга ечим, кўрсатма ва баён ўлароқ нозил бўларди. Набий алайҳиссалом баъзан ҳадислари билан фатво берсалар, баъзида ўзлари амалда кўрсатиш ё бирор саҳобанинг амалини тасдиқлаш ё инкор этиш орқали масаланинг ҳукмини баён қилар эдилар. Албатта, буларнинг барчаси ваҳий асосида бўлар эди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло хабар бериб айтади: «**У хомхаёлдан олиб сўзлаётгани ҳам йўқ! У фақат нозил қилинаётган бир ваҳийдир**»

(Нажм сураси, 3-4-оятлар). «**Агар (пайғамбар) Бизнинг номимиздан (Биз айтмаган) баъзи сўзларни тўқиб айтганда эди, албатта, Биз унинг ўнг қўлидан тутган, сўнггра унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлур эдик**» (Ҳаққо сураси, 44-46-оятлар).

Юқоридагилардан уч нарсани хулоса қилиш мумкин: **биринчидан**, Исломнинг илк даврида фатво бериш ҳуқуқи фақат Пайғамбар алайҳиссаломга хос эди. У зот ҳукм чиқаришда ваҳийга — Қуръон ва суннатга таянар эдилар. Шу боис ҳеч бир ҳукмда ихтилоф чиқмасди; **иккинчидан**, Ислом фикҳи бирданига эмас, балки аста-секин, бўлак-бўлак ҳолда оят ва ҳадис орқали собит бўлди; **учинчидан**, қонунчиликка оид оятларни ҳукм оятлари, ҳадисларни эса ҳукм ҳадислари деб аташ жорий қилинди.

Шу ерда савол туғилиши мумкин: қандай қилиб пайғамбарлик давридаги қонунчиликнинг асоси фақат Қуръон ва ҳадисдан иборат бўлади? Ахир Пайғамбар алайҳиссалом баъзи ҳукмлар устида ўзлари ижтиҳод қилиб, баъзи масалаларда саҳобаларнинг ижтиҳодларини тасдиқлаганлар-ку? Масалан, у зот Табук ғазотида баъзи мунофиқларга жангда иштирок этмасликка рухсат берганлар. Бадр жангида қўлга тушган асирлардан фидя



олиб ўзларини қўйиб юборишда Абу Бакр розияллоху анҳунинг фикрига қўшилганлар. Шунга кўра, ижтиҳод ўша даврдаги Қуръон ва ҳадисдан ташқари қонунчиликнинг қўшимча манбаи бўлмаганми?

Бу саволга жавоб қуйидагича бўлади: Набий алайҳиссалом заруратда ва ваҳий келиши кечиккан вақтдагина ижтиҳод қилар эдилар. Сўнг ваҳий у зотнинг ижтиҳодларини ё тасдиқлар, ё тўғриси баён қилар эди. Ўз навбатида саҳобалар ҳам у зотдан узоқ бўлган ёки бирор фурсатни бой бериш хавфи туғилган вақтларда ижтиҳод қилишган. Кейин Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уларнинг ижтиҳодларини тасдиқлар ёки рад этардилар. Шунга кўра, ижтиҳод у даврда қонунчилик манбаларидан бўлмаган.

(Давоми бор...)

✎ **Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ**нинг
“Ислом фикҳи асослари” китоби асосида
тайёрланди.

Холис фикр

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда ўзини табобат билимдони даражасига кўтараётган, мутлақо илмий асосга эга бўлмаган иддаолар билан чиқиш қилаётганлар кўпайиб кетди. Улар турли зарарли гиёҳлар, биологик фаол қўшимчаларни одамларга алдов йўли билан ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Албатта, бунга биринчи навбатда кишиларнинг ўзлари айбдор.

Бугун атрофига табибларни жамлаган алақандай ассоциациялар, академиялар кўпайиб кетди. Афсуски, у ерда фаолият кўрсатаётган табибларнинг аксари анатомия, гигиена, физиология, доришунослик ва ташхис илимидан мутлақо беҳабар.

Мамлакатимизда халқ табобатини тартибга солиш, уни замонавий тиббиёт ва тибби Набавийя билан уйғунлаштириш, иқлим ва доривор гиёҳлар ре-

сурсларидан оқилона фойдаланиш ишларини кенг йўлга қўйиш лозим.

Дарвоқе, ҳозирги пайтда “Қандли диабетни бир ойда даволайман”, “Фалон, фалон ўсимликлар аралашмаси воситасида рақни тузатаман” қабилидаги рекламалар кўпайиб кетди. Ҳатто керосин билан ўсимтани даволамоқчи бўлганлар ҳам бор. Керосин заҳарли нефт маҳсулоти бўлиб, уни истеъмол қилганда қизилўнғач, меъдада чуқур органик ўзгаришлар, умумий заҳарланиш юзага келади. Демак, заррача ақли бор киши зинҳор бундай тажриба ўтказишга рози бўлмаслиги керак.

Яқинда ижтимоий тармоқларда саратон касаллиги мутлақо мавжуд эмаслиги, ҳар қандай ўсмани шафтоли уруғи таркибидаги биологик фаол моддалар

билан рўй-рост даволаш мумкинлиги ҳақида ўқиб қолдим. Ахир бу мутлақо нотўғри фикр. Тиббиётда, табобатда бундай “мўъжиза” йўқ. Зеро, ўсма-лар энг сўнгги тиббий технологиялар ҳамда кучли билимга эга мутахассислар қўли билан даволанади.

Ҳиндистондан заъфарон, Эрондан седана, Вьетнамдан женшень илдизи келтириб пуллаётганлар бор. Буюк ватандошимиз, тиббиёт илмининг билимдони Ибн Сино ҳар бир юрт одамларига фақат шу иқлим ўсимликлари даво бўлишини, бошқа минтақалардан келтирилган унсурлар фойда бўлмаслигини, ҳатто зарарли эканини ўз асарларида таъкидлаган.

Албатта, киши, энг аввало, олтиндан-да қиммат бўлган соғлигини вақтида асрай билиши


лозим. Бунинг учун у ҳамиша ўз нафсини тийиши, бадантарбия билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, вужудини, иймонини турли иллатлардан асраши керак. Ана шунда у ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлади.

Умуман олганда, одамларнинг вақтини ўғирлаётган, тўғри йўлдан оздираётган, ортиқча харажатларга сабаб бўлаётган баъзи табобат рекламаларини таъқиқлаш вақти келди. Бу дегани табобатни бутунлай чеклаш керак, дегани эмас. Халқ табобати керак, киши саломатлигида унинг фойдали жиҳатлари ниҳоятда кўп. Демокчимизки, бу борада ҳам ўзининг мутахассислари фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

✎ **Алижон ЗОҲИДИЙ**,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни
сақлаш вазирлиги, таълим
фидойиси, олий тоифали жарроҳ



“Бадшахий” – бобурийлар мероси



Покистоннинг Лаҳор вилоятидаги “Бадшахий” жомеи дунёдаги энг катта масжидлардан бири ҳисобланади. Уни 1674 йилда сўнгги бобурий ҳукмдор Аврангзеб қурдирган. Қурилиш ишларига шаҳаншоҳнинг ўғай укаси, ҳарбий муҳандис ва қўшиннинг ўқотар қуроллар бўлинмаси бошлиғи Фидойи Хон Кўк бошчилик қилган.

Масжид баланд майдонда қурилган бўлиб, ички ҳовлиси салкам 84 сотих. Мажмуанинг

марказида учта улкан гумбаз бор. Оқ мармар ва қизил қумтошдан анъанавий услубда қурилган масжиднинг асосий кириш эшигига нақшинкор дарвоза ўрнатилган. “Бадшахий” масжиди ҳажм жиҳатидан дунёнинг энг йирик масжиди бўлмаса-да, кўркамлиги билан ибратли.

Асосий кириш эшигининг юқори қаватидаги кичик музейда кўплаб исломий ёдгорликлар сақланади. Жумладан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яшил саллалари, оёқ излари, Қуръони карим оятлари туширилган байроғи; Фотима онамиз тўқиган кашталар; Қуръони каримнинг Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳу қайта кўчирган биринчи жузи; Карбалода шаҳид бўлган Хусайн розияллоҳу анхунинг қони сачраган дастрўмоли бор.

Масжид ҳовлисида мадраса

баландлиги 62 метрли тўртта минора ва ҳовли ўртасида оқ мармар фаввора бор. Мажмуанинг шарқий қисмини 1856 йилда инглизлар бузиб ташлашган. Кейинчалик қайта тикланган ва бир муддат таҳоратхона сифатида фойдаланилган. Масжид биноси ҳовлининг ғарбий қисмида жойлашган.

XIX юзйилликнинг бошларида Лаҳорни сикхлар босиб олади ва “Бадшахий” масжидини портловчи моддалар сақланадиган омборга айлантиради. Мустамлакачилик даврида масжид ҳовлисидаги бинолар инглиз аскарлари



учун бошпана вазифасини ўтаган. Узоқ музокаралардан сўнг масжид мусулмонлар қўлига ўтди ва 1856 йилда қайта тикланди. 1947 йил Покистон мустақилликка эришгач, масжид тўлиқ таъмирланди.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Бугуннинг гапи

Китобхонлик оиладан бошланади

Президентимиз илгари сурган 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчиси китобхонлик тарғиботи-га бағишланган. Дарҳақиқат, ёшларни мутолаага ошно қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Айрим ота-оналар: “Болам китоб ўқишни хоҳламайди”, деб шикоят қилишади. Аммо улар бунинг асосий сабабчиси ўзлари эканини билишармикан? Ахир ота-она бирор марта кўлига китоб ушламаса, нуқул телефон билан банд бўлса, фарзандини ҳам шунга ўргатиб қўйган бўлса, кечки пайт дилбанди эртак айтиб беришни сўраганда, уни жеркиб берса, яна қандай натижани кутиш керак? Ваҳоланки, боланинг яқин сирдош дўсти китоб бўлиши керак. Унинг маънавий олами шаклланиши шунга боғлиқ.

Бунинг учун оилада китоб муҳитини яратиш лозим. Ота-она фарзандига кичик ёшда-ноқ эртак қаҳрамонлари, жониворлар, табиат манзаралари тасвирлари акс этган китоблар совға қилиши, у билан бирга

ўтириб расмларни томоша қилиб, ҳар бирини қизиқарли қилиб таърифлаб бериши лозим. Шунда китоб боланинг доимий ҳамроҳига айланади. Фарзандингизга сарфлаган вақтингизга асло ачинманг. Зеро, бу умрингизнинг энг мазмунли лаҳзаларидир.

Ўғил-қизингиз мактабга қатнаб, саводи чиққач, улар ўртасида шеър, ҳикоя айтиш, ким кўп китоб ўқиши бўйича мусобақа ўтказиб туринг. Бу — мутолаага рағбат уйғотишнинг самарали усули. Устозлар ҳам дарс давомида шу тарздаги беллашувлар уюштиришса, яхши натижа беради. “Ёш китобхон” танловини фақат телевидениеда кўриб завқланиб қолмай, уни маҳалла ё мактабда ҳам ўтказиш мумкин.

Тўққиз фарзандни улғайтириб уй-жойли қилган она, 40 йиллик тажрибага эга педагог сифатида айтишим мумкин, болалар табиатан рақобатни яхши кўришади. Демак, шу усул билан уларда рағбат

уйғотиб, қизиқишларини оширишга ҳаракат қилиш керак. Шунингдек,

мактаб кутубхонасида “Мутолаа соати”, “Мен севган шоир”, “Намунали қаҳрамон” тадбирларини уюштириш орқали китобхонликини кенг тарғиб этиш мумкин. Зеро, китобхонлик ташвиқоти ғоят савобли иш бўлиб, ёшларнинг маънавий олами тўғри шаклланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтсак, ёшларда китобга муҳаббат уйғотиш тарбиянинг муҳим қисми ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги ишлар билан Юртбошимиз даъватига ҳам “лаббай” деб жавоб берган бўламиз. Ишонтириб айтмиш, болалигидан китобга меҳр қўйган инсон ҳеч қачон мутолаадан юз ўгирмайди. Зеро, китоб инсоният яратган энг буюк кашфиёт бўлиб, маънавий камолотга етакловчи беминнат устоз ва битмас-туганмас хазинадир.

Сабохон БОЛТАБОЕВА,
Бағдод туманидаги “Истиқлол”
МФЙ отиноийиси

Саломатлик

Оғриқларни йўқотади

3 ошқошиқ майиз, 40 грамм қовоқ уруғи, 2 ошқошиқ желатин, 4 ошқошиқ кунжут, 200 грамм асал, 8 ош қошиқ зиғир уруғини блендерда яхшилаб аралаштиринг. Тайёр бўлгач, музлаткичга қўйинг. Кунига 2 маҳал овқатдан олдин 1 ошқошиқдан ичсангиз, суяклар ва бўғимлардаги оғриқлардан халос бўлишингизга ёрдам беради.

Қора чойнинг фойдалари

Қора чой истеъмол қилиш қандли диабет ривожланиш хавфини камайтирар экан. Бу ҳақда Шотландия университети олимлари хабар беришди.

Маълум бўлишича, қора чой таркибидаги фаол моддалар инсулин ишлаб чиқарилишида муҳим роль ўйнайди ва кишини касаллик хавфидан ҳимоялайди.

Қора чой қандли диабетнинг 2-турида (беморнинг ёши ўтиб бориши билан касаллик хавфи кучайиб боради) айниқса, фойдалидир.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва «Shamsuddinon Boboxonov» НМИУ жамоаси Диний идора иш бошқарувчиси Рустам Жамиловга волидаи муҳтарамаси **Жамилова Бибимарзия Камолиддин қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Аллоҳ таоло марҳума онахонни раҳматига олсин.

Иннā лиллāҳи ва иннā илайҳи рōжйъун!

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHOBOEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi: Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Nigora MIRZAYEVA**
Musahhiha: **Zebo OMONOVA**
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**
Ekspertizaga berildi: 09.09.2024
Xulosa (№03-07/5626) olindi: 17.09.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450
24-3/18-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!